



## ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИГА БАҲО БЕРИШДА БУХГАЛТЕРИЯ АХБОРОТИНИ МИҚДОР ВА СИФАТ ЖИҲАТДАН ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

**Рахматова Шахноза**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ORCID: 0009-0002-7378-8575

[shaxnozrahmatova1991@gmail.com](mailto:shaxnozrahmatova1991@gmail.com)

и.ф.д., проф. **Ҳотамов Комил**

International School of Financial Technology and Science

ORCID: 0009-0003-2486-5770

[kamil-inson@inbox.ru](mailto:kamil-inson@inbox.ru)

**Аннотация.** Ушбу мақолада хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳолати, жумладан, уларнинг тўловга қобилиятли эканлигини баҳолашда активларни ликвидлилиги бўйича аниқлаб олиш ҳамда мажбуриятларни тўлов муддати бўйича таркибларга ажратиш масаласи ўрганилган бўлиб, бунда бухгалтерия ахборотидан фойдаланишда маълумотларни таркиблаш муҳим эканлигига алоҳида эътибор қаратилган. Активларни таркибида пулга айланиши бир мунча қийин бўлган, жорий мажбуриятларни таркибида эса, тезда тўланиши керак бўлган жорий қарздорликнинг кўп бўлиши жорий тўлов қобилияти коэффициенти юқори чиққанда ҳам нотўғри хулоса шакллантиришга олиб келиши мумкинлиги асосланган.

**Калит сўзлар:** тўловга қобилиятлилиқ, ликвидлилиқ, молиявий ҳолат, бухгалтерия ахбороти, жорий актив, жорий мажбурият.

## КОЛИЧЕСТВЕННЫЙ И КАЧЕСТВЕННЫЙ АНАЛИЗ УЧЕТНОЙ ИНФОРМАЦИИ ПРИ ОЦЕНКЕ ФИНАНСОВОГО СОСТОЯНИЯ ХОЗЯЙСТВУЮЩИХ СУБЪЕКТОВ

**Рахматова Шахноза**

Ташкентский государственный экономический университет

д.э.н., проф. **Хотамов Комил**

International School of Financial Technology and Science

**Аннотация.** В статье рассматривается вопрос определения активов по ликвидности и разделения обязательств на составляющие по срокам погашения при оценке финансового состояния субъектов хозяйствования, в том числе их платежеспособности, при этом особое внимание уделяется важности структурирования данных при использовании учетной информации. Он основан на том, что наличие большого объема текущих обязательств, которые трудно конвертировать в денежные средства, и большого объема текущих обязательств, которые необходимо быстро погасить, может привести к неверным выводам даже при высоком коэффициенте текущей платежеспособности.

**Ключевые слова:** платежеспособность, ликвидность, финансовое положение, бухгалтерская информация, текущие активы, текущие обязательства.

## QUANTITATIVE AND QUALITATIVE ANALYSIS OF FINANCIAL STATEMENTS OF BUSINESS ENTITIES

**Rakhmatova Shakhnoza**

*Tashkent State University of Economics*

*DSc, prof. Khotamov Komil*

*International School of Financial Technology and Science*

**Abstract.** *This article examines the issue of determining assets by liquidity and dividing liabilities into components by maturity when assessing the financial condition of business entities, including their solvency, with particular attention paid to the importance of data structuring when using accounting information. It is based on the fact that the presence of a large amount of current liabilities, which are difficult to convert into cash, and a large amount of current liabilities, which must be paid quickly, can lead to incorrect conclusions even when the current solvency ratio is high.*

**Keywords:** *solvency, liquidity, financial condition, accounting information, current assets, current liabilities.*

### **Кириш.**

Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳолати, жумладан, уларнинг тўловга қобилиятли эканлигини баҳолашда биринчи навбатда активларни ликвидлилиги бўйича аниқлаб олиш ҳамда мажбуриятларни тўлов муддати бўйича таркибларга ажратиш энг асосий ишлардан ҳисобланади. Чунки, фақатгина жорий активларни жорий мажбуриятларга бўлиш орқали субъектнинг тўловга қобилиятлилигига баҳо бериб бўлмайди. Активларни таркибида пулга айланиши бир мунча қийин бўлган, жорий мажбуриятларни таркибида эса, тезда тўланиши керак бўлган жорий қарздорликнинг кўп бўлиши жорий тўлов қобилияти коэффиценти юқори чиққанда ҳам нотўғри хулоса шакллантиришга олиб келиши мумкин. Шу боис, актив ва мажбуриятларни тўлов муддатлари бўйича ажратиб олиш ва корхона молиявий ҳолатига баҳо бериш мақсадга мувофиқ.

### **Адабиётлар шарҳи.**

Тўлов қобилияти, ликвидлилик тушунчалари, бир қанча илмий ишларда ўрганиб чиқилган. Жумладан, Удока ва Анйингнинг (2012) фикрига кўра, банклар қачон ликвидликка эга бўлади, қачонки, алмаштириладиган актив зарурат туғилганда капитални йўқотмасдан дарҳол ўтказилса, активларнинг табиатидан қатъи назар, маблағлар зарур бўлганда, қониқарли нархларда нақд пулга бошқаларга осонлик билан ўтказилиши мумкин бўлса.

Қарз берувчилар ликвидлилиги бўйича фикр Эммануэл (1997) томонижан ҳам келтирилган бўлиб, тижорат банки хўжалик юритувчи ташкилотларга фақат қисқа муддатли самарали кредитларни бериши керак. Товарларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ва тарқатишнинг кетма-кет босқичлари орқали ишлаб чиқариш ва эволюцияни молиялаштириш учун мўлжалланган кредитлар ўз-ўзидан тугатиладиган кредитлар ҳисобланади. Бу назария, шунингдек, тижорат банклари қисқа муддатли самарали кредитлар берганда, марказий банк банкларга бундай қисқа муддатли кредитларни гаровга қўйиши кераклиги таъкидланади. Ушбу тамойил ҳар бир банк учун тегишли ликвидлик даражасини ва бутун иқтисодиёт учун мос келадиган пул массасини таъминлайди.

Ушбу тадқиқотчилар хулосаларидан кўришимиз мумкинки, сўз тижорат банклари ликвидлилиги хусусида борган. Яъни, тижорат банклари жорий қарзларини қоплаш

учун доимий маблағга эга бўлишлари, жорий қарздорликни талаб қилинган пайтда, муддати келганда муаммосиз тўлаш қобилиятига, имкониятига эга бўлишлари лозим.

Шу билан бирга бир қатор муаллифлар тўлов қобилиятини корхонанинг даромадлигига билан боғлашга ҳаракат қилишган. Жумладан, Канаан ва Сауд (2018) фикрича, даромадлилик компаниялар ҳаётийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш учун эришмоқчи бўлган асосий мақсад бўлиб, компанияларнинг рентабеллигини ошириш уларнинг маблағ манбаларини оптимал бошқариш қобилиятига боғлиқ.

Даҳиятда (2016) келтирилишича, компаниялар орзу қилган кўрсаткичларга эришиш учун улар мақбул ликвидлик даражасини сақлаб қолишлари ва ички ва ташқи молиялаштириш манбалари ўртасидаги мувозанатга эришишлари керак. Шу билан бирга ўз бизнесини муаммосиз ишлашини таъминлаш, узлуксизлик учун даромад келтирувчи лойиҳаларга пул маблағларини қайта инвестиция қилиш ва рақобатбардош позицияни таъминлаш учун ишлаши кераклиги, корхона доимий тўлов лаёқатини сақлаб қолиш учун улар пул маблағини йўқотмасликка, айнан даромадли соҳа ва йўналишларга пул тикиш лозимлигига урғу қаратадилар.

Юсофф (2017) фикрича, ликвидлилик компаниялар фаолиятининг узлуксизлигини таъминловчи муҳим элементлардан бири ҳисобланади, чунки етарлича ликвидликка эга бўлмаган компаниялар ўз етказиб берувчилари олдидаги қисқа муддатли мажбуриятларини тўлай олмаслиги, хизматлар ва товарларни ўз вақтида тақдим эта олмаслиги, бу уларнинг обрўсига таъсир қилиши мумкин ва компания активларини оптимал бошқаришда самарали фаолият олиб бормаслиги банкротликка олиб келади.

Мазкур муаллиф фикрига қарайдиган бўлсак, у ҳам айнан даромадлилик ва ликвидлиликни бир-бирига яқин тушунча сифатида қараб, ликвидлиликни йўқотмаслик, жорий қарздорликни тўлаш учун ҳаракат қилиш лозимлигини келтириб ўтган.

Созненнинг (1993) фикрини кўрадиган бўлсак, жорий активлар ва жорий мажбуриятларга урғу берилганини кўришимиз мумкин, яъни бу ерда айнан жорий активлар нақд пулга яқин ва тез пулга айланувчи элемент сифатида қаралган бўлиб, унинг мавжуд бўлиши жорий мажбуриятларни қоплашга етарли даражада бўлиши билан ифодаланади.

Абрютин (2000) эса, замонавий иқтисодий шароитда корхонанинг мавжудлиги ва фаолияти учун унинг ликвидлигини узоқ муддатли ва қисқа муддатли (тўлов қобилияти) сақлаб туриш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунда ликвидликни таъминлаш корхона мавжудлигининг энг муҳим шarti ва унинг ривожланишга қодирлиги ва бошқарув услубини тавсифловчи асосий мезонга айланиб бормоқда дея эътироф этади.

Ушбу муаллифнинг фикрларини юқоридаги фикрлардан тўлиқроқ эканлигини бир жиҳати борки, корхона ўзининг молиявий ҳолатини бошқариш стратегиясида албатта фақат жорий тўлов қобилиятига эришиш билан чекланиб қолмаслиги лозим. Айни вақтда узоқ муддатли тўлов қобилиятини ҳам доимий ҳисоб-китобини қилиб, шунга яраша хулоса қилиши ва тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиши мақсадга мувофиқ.

Сўнгги йилларда мазкур масалада илмий изланиш олиб борган маҳаллий олимларимиздан Мавланов (2019) жорий активлар таркибидаги бир қатор актив турлари кредит тўлови учун маблағ бўла олмаслигини таъкидлайди ва дебиторлик қарзлари таркибидан муддати ўтган дебиторлик қарзлари (211-сатр), ходимларга берилган бўнақлар (250-сатр), бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнақ тўловлари (270-сатр), мақсадли давлат жамғармалари ва суғурталар бўйича бўнақ тўловлари (280-сатр), таъсисчиларнинг устав капиталига улушлари бўйича қарзлари (290-сатр)

кабиларни кредитга тўлов лаёқатини ҳисоблашда айириб ташлашни лозим деб ҳисоблайди.

Мазкур муаллиф фикрлари ташқаридан қараганда, яъни тижорат банклари нуқтаи назаридан таҳлил қилинганда тўғри ҳисоблаш мумкин. Яъни, Мавланов томонидан айириб ташланиши тавсия қилинаётган кўрсаткичлар, баланс моддалари, аслида, корхона учун дебиторлик қарзи сифатида ҳисобга олиниб, тижорат банклари мазкур дебиторлик қарзларига ўз қарзларини ундириш мақсадида ҳаракатни амалга ошира олмайди. Муаллифнинг таклифлари банк томонидан қаралганда аҳамиятли ҳисобланади. Бироқ, хўжалик юритувчи субъект учун бу дебиторлик қарзи бирор иш ва хизматни бажарилиши ҳисобига сўндирилиши ҳам инobatга олиш лозим.

Яна бир маҳаллий тадқиқотчи Турдиева (2019) тижорат банклари нуқтаи назаридан кредит қобилияти тушунчасига “Кредит қобилияти – корхонанинг молиявий ва номолиявий кўрсаткичларида ифодаланган ҳуқуқий, молиявий ва номоддий тавсифларининг мажмуи бўлиб, кредитор олдидаги мажбуриятларини келажакда кредит шартномасида кўзда тутилган муддатларда ва тўлиқ қоплаш имкониятларини баҳолаш, шунингдек, банкнинг маълум бир хўжалик юритувчи субъектни кредитлашдаги риск даражасини аниқлаш имконини берадиган мезон” дея таъриф беради.

Бундан кўринадики, Турдиева ўз таклифларини хўжалик юритувчи субъект мисолида эмас, тижорат банкни нуқта назаридан берган.

Умуман олганда охириги йилларда қилинган юқоридаги иккала илмий ишланмада ҳам айнан тижорат банклари томонидан қўйиладиган позиция асос сифатида олинган.

Бундан ташқари Адашалиев (2024) томонидан олиб борилган тадқиқот ҳам муҳим бўлиб, унинг фикрича, хўжалик юритувчи субъектларнинг тўлов қобилиятини реал ва тўғри аниқлаш айнан бухгалтерия баланси, умуман олганда молиявий ҳисобот маълумотлари асосида аниқланганда аниқланаётган даврга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бунда агар ўтган йилги ҳисобот асосида тўлов қобилияти аниқланаётган бўлса, тўлов қобилияти аниқланаётган ой ёки чоракни ҳам қўшган ҳолда, жорий актив ва жорий мажбуриятларни инobatга олгандан ташқари узоқ муддатли дебиторлик қарзларининг жорийга ўтазиладиган қисми ҳамда узоқ муддатли мажбуриятларнинг жорий мажбуриятга ўтказиладиган қисмини алоҳида ҳисоблаш мақсадга мувофиқ.

### **Тадқиқот методологияси.**

Ушбу мақолада корхона молиявий ҳолатига баҳо беришда бухгалтерия ахборотидан самарали фойдаланиш бўйича кузатиш, индукция, дедукция, таққослама таҳлил усулларида фойдаланилган.

### **Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.**

Юқорида таъкидлаб ўтилдики, одатда хўжалик юритувчи субъектларнинг тўловга қобилиятлилиги унинг бухгалтерия баланси маълумотлари асосида шакллантирилган ахборотларга асосан ҳисоблаб чиқилади ва шунга қараб ҳисобланган коэффицентларга баҳо берилади. Манбаларда фақатгина жорий актив ва жорий мажбуриятни таққосламасдан активларни ликвидлилигига кўра таркибларга бўлиш, бир вақтнинг ўзида мажбуриятларни ҳам таркиблаган ҳолда бир-бирига таққослаш орқали хулоса чиқариш лозимлиги келтирилади (1-жадвал).

Мазкур таркибланишдан кўришимиз мумкинки, активлар 4 та гуруҳга бўлинган. А1 дан А4 гача гуруҳланган мазкур таркиб, баланс активларини пулга айланиш тезлиги бўйича гуруҳланган ва изоҳлар берилган.

Иқтисодчи олим, Пардаев (2007) томонидан ёзилган дарсликда А1-энг ликвидли актив, П1-энг шошилиш мажбуриятлар, П2-қисқа муддатли пасивлар дейилганлиги билан бошқаларидан номланишида фарқланади.

**Бухгалтерия баланси моддаларининг ликвидлик бўйича таркиби**

| Баланс активи таркиби       |                                  | Баланс пасиви таркиби |                                     |
|-----------------------------|----------------------------------|-----------------------|-------------------------------------|
| Пардаев (2007)              |                                  |                       |                                     |
| A1                          | Энг ликвид активлар              | П1                    | Энг шошилишч мажбуриятлар           |
| A2                          | Тез сотиладиган активлар         | П2                    | Қисқа муддатли пасивлар             |
| A3                          | Секин сотиладиган активлар       | П3                    | Узоқ муддатли пасивлар              |
| A4                          | Қийин сотиладиган активлар       | П4                    | Доимий пасивлар                     |
| Рахимов, Каландарова (2019) |                                  |                       |                                     |
| A1                          | Доимий ҳаракатдаги активлар      | П1                    | Тўлов муддати келган мажбуриятлар   |
| A2                          | Тез пулга айланадиган активлар   | П2                    | Қисқа муддатли тўлов мажбуриятлари  |
| A3                          | Секин пулга айланадиган активлар | П3                    | Узоқ муддали тўлов мажбуриятлари    |
| A4                          | Қийин пулга айланадиган активлар | П4                    | Доимий пасивлар                     |
| Акрамов (2010)              |                                  |                       |                                     |
| A1                          | Доимий ҳаракатчан активлар       | П1                    | Кредиторлик мажбуриятлари           |
| A2                          | Тез ҳаракатчан активлар          | П2                    | Кисқа муддатли кредитлар ва қарзлар |
| A3                          | Секин ҳаракатчан активлар        | П3                    | Узоқ муддатли кредитлар ва қарзлар  |
| A4                          | Ноҳаракатчан активлар            | П4                    | Доимий пасивлар                     |

**Манба:** ўрганишлар асосида муаллифлар томонидан шакллантирилган.

Ушбу таркиб бўйича ҳам илмий изланишларда тавсиялар келтирилган бўлиб, Адашалиевнинг фикрига кўра, пулга айланишини тез ва секин дейилиши бир мунча мунозарали, чунки тез пулга айланадиган активларга дебиторлик қарзлари келтирилганлиги, дебиторлик қарзлари ёки товар-моддий захираларнинг пулга айланиши дебиторлик қарзларининг муддатию, товар-моддий захираларнинг сотилиш даврига боғлиқлиги, шу билан бирга пул маблағлари ва қисқа муддатли инвестициялар доимий ҳаракатдаги активлар сифатида эътироф этилиши мунозара сифатидан кўтарилган. Ёки инвестициялар 3, 6 ой ёки бир йиллик қимматли қоғозлар ёки бошқа муддатга қўйилган бўлиши мумкинлиги ҳамда уларни ҳам тез пулга айланиши кафолатланмаганлиги, қисқа муддатли инвестициялар дебиторлик қарзларидан ҳам қийинроқ ва узоқроқ муддатга пулга айланиши ҳам мумкинлиги асосланган (Адашалиев, 2024).

Ўрганишлардан кўришимиз мумкинки, баланс таркибини ликвидлиги бўйича номлашда муаллифлар турлича номлардан фойдаланган бўлиб, аксарият ҳоллар дарслик ёки қўлланмаларда ифодаланганлиги боис, олий ўқув юртларида дарсларда манба учун фойдаланилади. Шу боис, баланс ликвидлигини бундай таркибларга бўлиш ва номланиши ҳамма фойдаланувчилар учун тушунарли ва содда бўлиши мақсадга мувофиқ.

Манбаларда баланс моддалари сатрлари бўйича изоҳланган бўлиб, энг ликвид активлар баланснинг 320 ва 370-сатрларини, пул маблағлари ва қисқа муддатли молиявий қўйилмаларни ўзи ичига олиши, тез сотиладиган активлар баланснинг 210-сатрини, секин сотиладиган активлар баланснинг 140-сатрини ҳамда қийин сотиладиган активлар 190-сатрида ифодаланиши келтирилган.

Шу билан бирга энг шошилишч дейиладиган мажбуриятлар балансда жорий мажбуриятлардан 730, 740-сатрлар айирмаси шаклида, қисқа муддатли мажбуриятлар 730, 740-сатрларни, узоқ муддати мажбуриятлар 190-сатрни, доимий пасивлар эса, 480-сатрни ифодалаши бўйича маълумотлар мавжуд.

Шу билан бирга манбаларда актив ва пасивларнинг суммасининг нисбатига қараб қуйидагича баланснинг ликвидлиги аниқланади ва баланс ахбороти асосида корхона молиявий ҳолатига баҳо берилади (2-жадвал)



## 2-жадвал

Бухгалтерия баланси ахбороти асосида корхона молиявий ҳолатига баҳо берилиши  
(Рахимов ва Каландарова, 2019)

| Ўзгаришлар тартиби | Фарқланишдаги ўзгаришлар |        |        |        | Ликвидлик даражаси         |
|--------------------|--------------------------|--------|--------|--------|----------------------------|
| 1-ҳолат            | A1>=П1                   | A2>=П2 | A3>=П3 | A4<=П4 | Мутлақ ликвид баланс       |
| 2-ҳолат            | A1<П1                    | A2>=П2 | A3>=П3 | A4<=П4 | Ликвид баланс              |
| 3-ҳолат            | A1<П1                    | A2<П2  | A3>=П3 | A4<=П4 | Ноликвид баланс            |
| 4-ҳолат            | A1<П1                    | A2<П2  | A3<П3  | A4<=П4 | Ночорлик ҳолатидаги баланс |

Биз томонимиздан амалдаги бухгалтерия ахборотидан фойдаланиб қилинадиган таҳлиллар ўрганиб чиқилиб уларни такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида, бир қанча субъектларнинг молиявий ҳолати таҳлил қилинди. Жумладан, Навоийазот акциядорлик жамияти молиявий ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлил қилинганда қуйидаги натижаларни кўришимиз мумкин (3-жадвал)

## 3-жадвал

Навоийазот акциядорлик жамияти тўлов қобилияти кўрсаткичлари,  
минг сўм

| Т/р | Кўрсаткичлар                 | 2019          | 2020          | 2021          | 2022          | 2023          |
|-----|------------------------------|---------------|---------------|---------------|---------------|---------------|
| 1   | Жорий активлар               | 1 126 334 752 | 909 401 487   | 1 777 189 363 | 2 907 117 956 | 3 298 163 223 |
| 2   | Жорий мажбуриятлар           | 1 109 336 002 | 1 327 191 988 | 1 312 857 708 | 2 036 475 666 | 2 971 439 594 |
| 3   | Тўлов қобилияти коэффициенти | 1,065323356   | 0,685207186   | 1,353680107   | 1,427524033   | 1,10995466    |

**Манба:** ҳўжалик юритувчи субъект маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

Жадвал маълумотларини изоҳлайдиган бўлсак, субъектда 2019 йилда тўлов қобилияти коэффициенти 1,06 ни ташкил этиб, тавсиявий нормадан 0,14 пунктга пас бўлган, аммо, бирдан юқори эканлиги хавотирни камайтиради. Бироқ, 2020 йилда бу коэффицент 0,68 ни ташкил этиб, нафақат бирдан юқори бўлиши балки тавсиявий норма (1,2) нисбатан сал кам икки баробарни кам бўлган. 2021 йилда тезда ўнгланиб 1,35 ва 2022 йилда 1,43 коэффицентни ташкил этиб, тавсиявий нормадан сезиларли, яъни, мос равишда 0,15 ва 0,23 коэффицентга юқори бўлган. 2023 йилда эса, яна пасайиб, 1,11 ни ташкил этган.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, субъект 2021 ва 2022 йилларда тўловга лаёқатли ҳисобланган, 2019 ва 2023 йилларда эса, тавсиявий нормага етмаган бўлсада, хавотирли ҳолат кузатилмаган. Аммо, 2020 йилда тўлов қобилияти коэффицентининг олдинги йилларга нисбатан ҳам тавсиявий нормага нисбатан ҳам кескин пасайиши хавотирли ҳисобланади. Ўрганишлардан кўрдикки, 2020 йилда короновирус пандемияси ва унинг оқибатидан турғунлик туфайли бу натижа қайд этилган.

Энди, амалдаги тартибга кўра, субъектнинг актив ва мажбуриятлари ликвидлилиги бўйича таҳлил қилган ҳолда тўлов қобилияти ва молиявий ҳолтига умумий баҳо беришга ҳаракат қиламиз. Биринчи навбатда активлар таркибини ликвидлилиги бўйича гуруҳларга ажратиб оламиз (4-жадвал).

Жадвал маълумотларига субъект бухгалтерия баланси маълумотлари асосида активарни (A1-A4) ва мажбуриятлар ҳамда хусусий капитални (П1-П4) гуруҳларга ажратиб олинди. Мазкур гуруҳларга ажратиш, дастлабки вариантда манбаларда келтирилган сатрлар асосида амалга оширилди. Натижада эса, қуйидагича ҳолат ҳосил бўлди (7-жадвал).

## 4-жадвал

## Баланс кўрсаткичлари ликвидлилиги бўйича гуруҳланиши, минг сўм

| Т/р | Кўрсаткичлар                     | 2019           | 2020           | 2021           | 2022           | 2023           | Гуруҳ |
|-----|----------------------------------|----------------|----------------|----------------|----------------|----------------|-------|
| 1   | Узоқ муддатли активлар           | 11 155 384 920 | 13 102 673 275 | 16 451 253 926 | 14 672 267 237 | 13 798 476 151 | A4    |
| 2   | Товар-моддий захиралари, жами    | 690 791 967    | 564 726 832    | 826 356 275    | 1 948 372 703  | 2 365 808 946  | A3    |
| 3   | Дебиторлар, жами                 | 137 230 817    | 125 426 731    | 267 806 696    | 429 767 593    | 487 700 025    | A2    |
| 4   | Пул маблағлари, жами             | 277 282 474    | 31 152 236     | 561 320 381    | 381 365 028    | 87 438 965     | A1    |
| 5   | Узоқ муддатли мажбуриятлар, жами | 10 213 161 606 | 11 531 303 336 | 14 576 516 348 | 12 381 537 197 | 11 165 498 163 | П3    |
| 6   | Жорий мажбуриятлар               | 1 107 759 727  | 1 025 615 578  | 425 521 370    | 1 065 826 662  | 1 820 148 427  | П2    |
| 6   | Қисқа муддатли банк кредитлари   | 0              | 0              | 0              | 100 000 000    | 220 795 500    | П1    |
| 7   | Қисқа муддатли қарз              | 1 576 275      | 301 576 410    | 887 336 338    | 870 649 004    | 930 495 667    | П1    |
| 8   | Ўз маблағи манбалари             | 959 222 064    | 1 153 579 438  | 2 339 069 233  | 3 161 372 330  | 2 959 701 617  | П4    |

Эътибор берадиган бўлсак, баланс ликвидлилиги бўйича ўтказилган таҳлил ҳамда субъект тўловга қобилиятлилиги бўйича чиққан натижалар бир-бирига тўғри келмади. Жумладан, 2021 йилда баланс маълумотлари асосида тўловга қобилиятлилиги аниқланганда 1,35 коэффицент чиққан бўлса, ликвидлиги таҳлилида эса, жудаям ёмон кўрсаткич, яъни, ночор ҳолатдаги, банкрот бўлиш даражасидаги натижани кўрсатмоқда. 2022 ва 2023 йилларда ҳам шундай натижани кўришимиз. Бу йилларда ҳам натижага қараб субъектни тўловга қобилиятли деб ҳисоблаш мумкин бўлсада, баланс ликвидлилиги бўйича чиққан натижа уни ночор ҳолатда эканлигини кўрсатмоқда. Бу эса, баланс миқдор кўрсаткичлари ҳар доим ҳам кутилган натижасини бермаслиги мумкинлиги билан изоҳлаш мумкин.

Баланс ликвидлилиги бўйича ўтказилган таҳлил ҳамда субъект тўловга қобилиятлилиги бўйича чиққан натижалар бир-бирига тўғри келмади. Жумладан, 2021 йилда баланс маълумотлари асосида тўловга қобилиятлилиги аниқланганда 1,35 коэффицент чиққан бўлса, ликвидлиги таҳлилида эса, жудаям ёмон кўрсаткич, яъни, ночор ҳолатдаги, банкрот бўлиш даражасидаги натижани кўрсатмоқда. 2022 ва 2023 йилларда ҳам шундай натижани кўришимиз. Бу йилларда ҳам натижага қараб субъектни тўловга қобилиятли деб ҳисоблаш мумкин бўлсада, баланс ликвидлилиги бўйича чиққан натижа уни ночор ҳолатда эканлигини кўрсатмоқда. Бу эса, баланс миқдор кўрсаткичлари ҳар доим ҳам кутилган натижасини бермаслиги мумкинлиги билан изоҳлаш мумкин.

Таҳлил қилинган даврларда субъект молиявий натижасини кўрадиган бўлсак, тақсимланмаган фойда 2019 йилда 42 млрдни ташкил этган бўлса, 2023 йилда 1 трлн 295 млрдни ташкил этган. Таққослаш учун 2020 йилда 77, 2021 йилда 854 ва 2022 йилда 1,6 трлн фойда кўрсаткичига эга бўлган. Агар субъект ночор ҳолатдаги корхона бўлса, фойда кўрсаткичи шунчалик ошармиди? Демак, молиявий ҳолат таҳлили кўрсаткичлари унинг ҳолатига тўлиқ баҳо беролмас экан.

Мазкур масала юзасидан олиб борилган тадқиқотлар бўйича ҳисобланган ликвидлиги кўрсаткичи ҳам шунга яқин натижани берди. Жумладан, Адашалиевнинг

тадқиқотида энг тез пулга айланадиган актив таркибидаги қисқа муддатли инвестициялар ҳақида ёзар экан, бухгалтерия баланси маълумотлари асосида корхона жорий тўловга қобилият даражасини аниқлаш бир мунча мураккаб эканлигини таъкидлаб, қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётларда корхонанинг бошқа корхоналар қимматли қоғозларига қилинган қисқа муддатли (бир йил муддатдан кўп бўлмаган) инвестициялари (қўйилмалар) давлат қарзларининг фоизли облигациялари, бошқа корхоналарга берилган қарзлар ва бошқаларнинг нақдлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотлар келтирилиши, ҳамда яъни, қимматли қоғозлар счётида акцияларга, давлат қарзларининг фоизли облигацияларига ва бошқа қимматли қоғозларига қўйилган қисқа муддатли инвестицияларнинг мавжудлиги ва ҳаракати ҳисобга олинади. Ўз ўзидан бу қимматли қоғозларни мана десанг пулини берадиган ташкилот ёки корхона мавжуд эмаслиги бўйича фикрини қатъий ифода этади (Адашалиев, 2024).

### 5-жадвал

#### Баланс ликвидлиги бўйича корхона молиявий ҳолати таҳлили

| Т/<br>р | Кўрсаткичлар          | 2019                | 2020                   | 2021                   | 2022                   | 2023                   |
|---------|-----------------------|---------------------|------------------------|------------------------|------------------------|------------------------|
| 1       | A1 ва П1 таққосланиши | 275 706 199         | -270 424 174           | -326 015 957           | -589 283 976           | -1 063 852 202         |
| 2       | A2 ва П2 таққосланиши | -970 528 910        | -900 188 847           | -157 714 674           | -636 059 069           | -1 332 448 402         |
| 3       | A3 ва П3 таққосланиши | -9 522 369 639      | -10 966 576 504        | -13 750 160 073        | -10 433 164 494        | -8 799 689 217         |
| 4       | A4 ва П4 таққосланиши | 10 196 162 856      | 11 949 093 837         | 14 112 184 693         | 11 510 894 907         | 10 838 774 534         |
|         | Натижа                | A1>П1               | A1<П1                  | A1<П1                  | A1<П1                  | A1<П1                  |
|         |                       | A2<П2               | A2<П2                  | A2<П2                  | A2<П2                  | A2<П2                  |
|         |                       | A3<П3               | A3<П3                  | A3<П3                  | A3<П3                  | A3<П3                  |
|         |                       | A4>П4               | A4>П4                  | A4>П4                  | A4>П4                  | A4>П4                  |
|         | Берилган баҳо         | Тавсияда йўқ натижа | Ночор ҳолатдаги баланс | Ночор ҳолатдаги баланс | Ночор ҳолатдаги баланс | Ночор ҳолатдаги баланс |

**Манба:** субъект маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

Ушбу ўрганиш асосида кўрадиган бўлсак ҳам, Навоий азот акциядорлик жамияти молиявий ҳисобот маълумотлари асосида субъект баланси ликвидлиги асосида молиявий ҳолатига баҳо берилганда вазият ўзгармади. Сабаби, субъектнинг қисқа муддатли инвестициялари суммаси катта бўлмаганлиги сабабли уни А1-энг тез пулга айланадиган активга эмас, А2 таркибига ўтказилиши актив ҳамда мажбурият+капиталнинг нисбатлаганда ўзгариш бўлишига олиб келмади.

### Хулоса ва таклифлар.

Ўрганишлар асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Баланс таркибини ликвидлик бўйича таркиблаганда унинг жорий ва узоқ муддатли активлари таркибини тегишли тартибда яна ҳам деталлаштириш мақсадга мувофиқ. Ўшанда субъект молиявий ҳолатига баланс кўрсаткичлари асосида баҳо бериш тўғри бўлади.

2. Бухгалтерия баланси ахбороти асосида субъектнинг молиявий ҳолатига баҳо берилади, инвесторлар томонидан субъект келажагаги учун иқтисодий бошқарув қарорлари қабул қилинса, қарз берувчилар томонидан эса, қарз бериш, унинг муддати



ва миқдори, берилган қарзнинг қайтишини мониторинг ва прогноз қилинади. Шунинг учун баланс маълумотлари таркиби қанчалик аниқ бўлса, таҳлиллар шунчалик тўғри ва тўлиқ бўлиб, қабул қилинадиган қарорларнинг сифати ҳам яхши бўлади.

3. Узоқ муддатли активлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақлар бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан харид қилинадиган, бошқа пудратчи томонидан ишлаб чиқарилаётган узоқ муддатли актив бўйича бўлса, ҳамда олдиндан аванс тўланган бўлса, бу ҳолда бухгалтерия ахбороти таҳлили нуқтаи назаридан узоқ муддатли активлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақлар жорий активлар таркибидан чиқарилиб, тўлиқ узоқ муддатли актив сифатида ҳисобга олиниши лозим.

4. Товар-моддий захиралар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақларни товар-моддий захиралар таркибига қўшиб таҳлил қилиш ҳамда тўлов қобилияти ва бошқа иқтисодий кўрсаткичларни аниқлашда қўллаш мақсадга мувофиқ.

### Адабиётлар/Литература/References:

Dahiyat, A. (2016). Does Liquidity and Solvency Affect Banks Profitability? Evidence from Listed Banks in Jordan. *International Journal of Academic Research in Accounting, Finance and Management Sciences*, 6(1), 35-40. Retrieved from <https://ideas.repec.org/a/hur/ijaraf/v6y2016i1p35-40.html>

Emmanuel, N. R. (1997). *Commercial banking in an era of deregulation* (3rd ed.). Westport, CT: Greenwood Publishing Group.

Kanaan, A., & Saoud, A. (2018). The effect of financial leverage on profitability - An applied study on non-financial companies listed on the Damascus Stock Exchange. *Economic and Legal Sciences Series*, 40(3), 265-280. Retrieved from <http://journal.tishreen.edu.sy/index.php/econlaw/article/view/4651/4421> (in Arabic language)

Pardaev M (2007). Moliyaviy tahlil SamISI-2007. [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)

SOENEN, L. A. (1993). Cash conversion cycle and corporate profitability, *Journal of Cash Management*, Vol 13 No 4 pp. 53-58.

Udoka, C. O., & Anyingang, R. (2012). An analytical and theoretical investigation of the determinants of deposit money bank's investment in treasury bills in Nigeria. *European Journal of Business and Management*, 4(21), 42-48.

Yusoff, H.B.M. (2017). *The Effect of Liquidity and Solvency on Profitability: The Case of Public-Listed Consumer Product Companies in Malaysia* (Master Thesis). University Tun Hussein Onn Malaysia.

Абрютина Н.С. (2000). Анализ финансово-экономической деятельности предприятия. М.: «Дело и сервис». – 256 с.

Адашалиев Б.В. (2024). Хўжалик юритувчи субъектлар тўловга лаёқатлилигини барқлар фаолиятига таъсирини баҳолаш йўллари // Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) диссертацияси автореферати. – Тошкент. – Б.58.

Мавланов Н. (2019). Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилиги таҳлили ва баҳолашни такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) диссертацияси автореферати. – Тошкент. – Б.15.

Рахимов М.Ю, Каландарова Н.Н. (2019). Молиявий таҳлил. Т.: "Iqtisod-Moliya".

Турдиева Г. (2019). Хўжалик юритувчи субъектлар кредит қобилияти таҳлилининг назарий ва ташкилий-услубий жиҳатларини такомиллаштириш. Автореферат. Тошкент.